



Q A R O R

№- 558 -К

2003 йил «29» декабр

М.Улуғбек номли деҳқон хўжаликлари уюшмаси “Ойтамғали” қишлоғи ҳудудидан фойдаланилмаётган ердан лимонария қуриш учун 0.40 гектар ер майдони ажратиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17-январдаги “Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳатларни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, туман хўжаликларидаги фойдаланилмаётган ерлардан самарали фойдаланиш мақсадида ҳамда М.Улуғбек номли деҳқон хўжаликлари уюшмасининг 2003 йил 27-декабрдаги 4-сонли вакиллар йиғилиш қарорини кўриб чиқиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. М.Улуғбек номли деҳқон хўжаликлари уюшмасининг 2003 йил 27-декабрдаги 4-сонли, Туймаев Фахриддинга лимончиликни ривожлантириш учун “Ойтамғали” қишлоғидан 219-контурдаги эски сув чиқариш иншоатининг фойдаланилмаётган 0.4 гектари ажратиб бериш тўғрисидаги ваколатли йиғилиш қарори тасдиқлансин.

2. Туймаев Фахриддинга лимонарияни лойиҳа асосида қуриб, лимон етиштириш, лимон кўчатлари етиштириш ва арзон нархларда сотиш, хўжалик болалар боғчасига имтиёзли нархда сотиш юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ю. Абдимуродов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:

*Ш. Негматов*

Ш. Негматов